

ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

Аввали 1-бетда

Тараққиёт стратегиясида мазкур масалала алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, биринчи йўналишда инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш мақсадида маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантириш кўзда тутилган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун 5 та муҳим чора-тадбирлар механизми аниқ кўрсатиб берилган. Жумладан, маҳалланинг нуфузи ва обрўсини ошириш учун молиявий мустақиллик бериш, маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш режалаштирилган.

Бундан ташқари фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани таъминлаш, маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни рақамлаштириш, маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, маҳаллаларнинг "ўсмиш нуқталари" ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик бўйича ихтисослашуvidан келиб чиқиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш каби вазифалар амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Стратегия лойиҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқасининг ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан, маҳалла раиси томонидан маҳаллий кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритишнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш ҳам илгари сурилмоқда. Бу борада фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш институти жорий этилиши ҳам маҳалла раисларининг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, буларнинг барчаси инсон қадрини улғулаш, унинг манфаатларини тўла рўёбга чиқаришда янги босқични бошлаб беради.

Рашид КАРИМОВ.

Бугуннинг гапи

ЭКОЛОГИК МУАММО БАРЧАНИНГ МУАММОСИ

2020 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Экология муаммоси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бугун бутун дунё муаммосига айланди. Давлатимиз раҳбарининг юқорида баён этилган қароридан ушбу муаммони мамлакатимизда бартараф этиш йўл-йўриқлари ва чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Жумладан, қарорда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг янгиланган асосий вазифалари белгиланган. Кўмитанинг вазифалари атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва объектларни муҳофаза қилишни таъминлашдан иборат.

Шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, уларнинг турларини хилма-хиллигини, табиий туркумлари яхлитлиги ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаш, қайта тикланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини олиб

бориш, маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта иш-



лаш ва кўмиш борасида давлат ва хусусий шерикчиликни фаол жалб қилган ҳолда тизимни ташкил этиш;

- атмосфера ҳавоси, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан экологик назорат ўрнатиш каби асосий вазифалардан иборат.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишда ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги

хизмати ва миллий гвардиянинг патрулликка жалб этилган бўлинмаларининг

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича ваколатлари кенгайтирилиши ҳам белгиланган.

Давлатимиз раҳбари қарорининг 9-бандида давлат органлари, муассаса ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп қаватли уй-жойлар мулкдорларига улар эгаллигидаги бино ва иншоотларга туташ бўлган ер участкалари шарт ва мажбуриятлар билан уларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан вилоят ҳоким-

лиги томонидан белгиланган тартибда ажратиб берилади. Ушбу ажратилган ер майдонидаги белгиланган шарт ва мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш, ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги, миллий гвардиянинг патрулликка жалб этилган бўлинмалари ҳамда экологик атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органи томонидан амалга оширилади. Қарорда корхона ва ташкилотларга, ўзини ўзи бошқариш органларига бўш турган ер майдонларини ажратиб берилиши 2023 йил 1 январгача қилиб белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг мазкур қарори экологик муаммоларни бартараф этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Қобил ХИДИРОВ,
туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш назорат соҳасидаги инспекция бошлиғи,
халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

ТРАНСПОРТДА ҚОИДАБУЗАРЛИК

Мамлакатимизда кенг тармоқли транспорт тизими барпо этилган. Транспорт воситаларининг кўпайиши эса, транспорт билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни янада сифатли тартибга солинишини, бу соҳада содир этилаётган ижтимоий хавфли қонунбузилишларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Мазкур тоифадаги жиноятлар (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) гарчи эҳтиётсизлик натижасида содир қилинсада, йўлларда бахтсиз ҳодисалар юз бериши оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолиши ҳамда жабрланувчининг оиласи оғир аҳволга тушиб қолиши сабабли судлар томонидан ушбу тоифадаги ишларни кўришда алоҳида ёндашув талаб қилинади.

Бу борада судлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида" 2015 йил 26 июндаги 10-сонли қарори муҳим норматив ҳужжат ҳисобланади. Мазкур қарор транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш борасида содир этилаётган жиноятларга қарши самарали курашиш, жиноятларнинг олдини олишда судлар томонидан фойдаланиладиган кенг қамровли ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасида транспорт ҳаракатининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгиловчи қонун ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар назарда тутилганлиги, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига оид атамалар ва транспорт турларига шарҳлар берилганлиги, жиноятларнинг объекти, ва субъектив томонини ифодаловчи белгилар, тушунчалар мавжудлиги, шунингдек жиноятларни бир-биридан фарқлаш, уларни квалификация қилиш ва жазо

тайинлашга оид тушунтиришлар берилганлиги билан аҳамиятлидир.

Амалдаги қонунчилик талабига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти сифатида ҳайдовчилик гувоҳномасига эга, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган, тегишли турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган, умуман транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган, қўш бошқарувли ўқув (машк) транспорт воситасида транспортни бошқаришни ўргатаётган шахслар топилиши мумкин.

Шунингдек, йўл транспорт ҳодисаси сабабларини текширишда йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг қайси бандлари бузилганлигини ва улардан қайсилари Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилган оқибатлар билан боғлианишда бўлганлигини аниқлаш муҳимдир. Йўл ҳаракати қоидалари икки ёки ундан ортиқ йўл ҳаракати иштирокчиси томонидан бузилган ҳолларда, Жиноят кодексининг 266-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик фақат транспорт воситасини бошқариш борасидаги ҳаракатлари юқоридаги моддада кўрсатиб ўтилган оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлган ҳайдовчидангина келиб чиқади. Транспорт воситасини бошқариш борасидаги ҳаракатлари келиб чиққан оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлмаган бошқа ҳайдовчи эса йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим.

Шунингдек, ташкилот, корхона, муассасаларда хизмат вазифаларини бажаришга масъулиятсиз муносабатда бўлиш, транспорт воситаларининг қоникарсиз аҳоли, меҳнат ва ижро интизомини бузиш, автомобиль йўллари, кўчалар, темир йўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини сақлаш қоидаларини бузиш каби жиноят содир этилишига имкон яратиб берган ҳоллар аниқланганда, судлар хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли давлат органлари мансабдор шахслари эътиборини шу ҳолатларга қаратишлари, шунингдек иш бўйича автомобиль йўллари, кўчалар, темир йўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини сақлаш қоидаларининг қўпол равишда бузилиши, яъни йўлларнинг чўкиши, ер ости иншоотлари люкларининг очик қолдирилиши, оғохлантирувчи белгилар қўйилмаганлиги ҳолатлари аниқланиб, ушбу ҳолатлар Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқарган йўл-транспорт ҳодисаси учун шариит тўғдирган бўлса, судлар мазкур қоидаларга риоя этилишига масъул шахслар ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли материалларни прокурорга юборишлари лозим.

Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш йўлларда бахтсиз ҳодисалар сонини камайтириш - фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишнинг муҳим омилidir.

Анвар ХОМИДОВ,
Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси.

РЎЙХАТГА ОЛИШ ИШЛАРИ ИККИ ХИЛ УСУЛДА ЎТКАЗИЛАДИ

Шахсга доир маълумотларни йиғиш тартибига кўра, рўйхатга олиш ишлари икки хил усулда – қоғоз шакли ҳамда интернет тармоғи орқали амалга оширилади.

Биринчи усулда рўйхатга олувчи ходимлар уйма-уй юриб, сўров ўтказиши ва саволлардан иборат варақани респондентларнинг сўзлари асосида тўлдиради. Бунда рўйхатга олиш ишлари беш хил шаклдаги сўровномалар – турар жойнинг хусусиятлари ва унда яшовчилар рўйхати, шахсга оид саволнома, Ўзбекистон Республикасига вақтинча келган чет эл фуқаролари учун саволнома, аҳолининг айрим тоифаларига нисбатан шахсга доир маълумотларни йиғиш бўйича саволнома ҳамда вақтинча турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун назорат варақаси бериш асосида ўтказилади.

Сўровномалар асосий демографик кўрсаткичлар, аҳолининг механик ҳаракати, миграцияси, миллий хусусиятлари, фуқаролиги, таълим даражаси, уй ҳўжалиги аъзоларининг иқтисодий ҳолати, болалар сонига оид саволлардан иборат бўлади. Яшаб турган хонадонда рўйхатдан ўтишни истамаган респондентлар учун рўйхатга олиш сўровномаларини тўлдириш уларнинг ўзлари яшаб турган маҳаллаларда ташкил этиладиган инструкторлик участкаларида амалга оширилади. Респондентлар томонидан тақдим этилган шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги ва уларнинг мазмуни ошкор этилмаслиги рўйхатга олувчи томонидан қафолатланади.

Иккинчи усулда респондентларга қулайлик яратиш мақсадида интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали рўйхатдан ўтиш имконияти яратилади. Бунда сўровномалар аҳолининг ўзи томонидан махсус дастур орқали тўлдирилиб, белгиланган электрон манзилга жўнатилади.

Эврест ЖЎРАҚУЛОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.

Халқ тилида соддагина қилиб — порахўрлик, кенг маънода коррупция, деб аталувчи ҳодиса барча ислохотлар илдизига бол-

риш ва бошқа) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин.

Ушбу жиноятнинг субъекти 18 ёшга тўлган давлат органи,

даларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг 2-қисми пора бериш: а) тақроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса — беш йилдан ўн йил-

ҳаммедовнинг ишончига кириб, олий таълим муассасаларига ўқишга киритишга ваколати бўлмасада, унинг қизи Ш.Нодировани Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига танишлари орқали ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, эвазига 3500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олий таълим муассасадаги юқори лавазимда ишловчи танишларига пора тариқасида беришга даълолат қилиб, Жиззах шаҳри, Алишер Навоий маҳалласи ҳудудида жойлашган “Тасанно” чойхонасида М.Мухамедовдан 37.033.500 сўмга тенг 3500 АҚШ долларини олган вақтида Жиззах вилоят прокуратураси, департаментнинг Жиззах вилоят бошқармаси ва ДХХ Жиззах вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ушланганликда ЖК-нинг 28, 211-моддаси 1-қисми ва бошқа моддалари билан айбли деб топилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Шу каби суд томонидан 2021 йил давомида коррупция билан боғлиқ бир нечта жиноят ишлари кўриб чиқилиб, қонун доирасида тегишли жазолар тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, коррупция ҳудди қор тўпига ўхшайди, у юмалаган сари шунчалик катталашиб кетаверади. Ҳа албатта коррупция бу қор тўпи уни айланаверишига йўл қўйиб берсак, уни тўхтата олмаёқолишимиз мумкин. Шу боисдан барчамиз коррупцияга қарши биргаликда курашишимиз керак.

Салим БОТИРОВ,
жиноят ишлари бўйича
туман судининг раиси.

Агар коррупция бир касаллик бўлса, шаффофлик уни даволовчи энг зарур дори.

КОФИ АНАН.

та уради. Таъкидлаш жоизки, коррупция ҳозир дунёдаги деярли барча давлатларда тараққиёт йўлига ғов бўлаётган иллатдир. Халқаро ҳужжатларда, пора олишнинг жиноят эканлиги таъкидлангани ҳам коррупциянинг трансмиллий характеридан дарак беради.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар орасида порахўрлик энг ижтимоий хавфлиси ҳисобланади. Қонун ва унинг мақсадли ва самарали ижроси коррупцияга қарши курашнинг энг самарали қуроли.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасида жавобгарлик белгиланган “Пора олиш” жинояти, объектив томондан, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлишида ифодаланади.

Пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, мулкӣ аҳамиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажар-

давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлиши мумкин.

Жиноят кодекси 210-моддаси биринчи қисмига кўра, пора олиш, яъни давлат органи, дав-

в) тамагирлик йўли билан; г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу модданинг 3-қисми пора олиш: а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса — ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодекси 211-моддаси биринчи қисмига кўра, пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик

гача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг 3-қисми пора бериш: а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса — ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Суднинг 2021 йил 25 сентябрдаги ҳукмига кўра, Н.Тошматов (исм ва фамилия ўзгартирилган), 2021 йил 18 июнь куни соат 14:00 ларда М.Му-

ЎҚУВЧИЛАРДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Мамлакатимизда вояга етмаган ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим омиллардан биридир.

Болаликдан ҳар бир инсон онгига сингдирилган қоидалардаги “мумкин” ёки “мумкин эмас” жумласи ҳаёт ва жамият қонунларидан келиб чиқади. Айнан шу қоидаларни ўзлаштириш орқали бола шахс сифатида етилади ва унда ҳуқуқий маданият шаклланади, онгли равишда қонун нималигини ўрганади.

Бугун республикаимизда амал қилинаётган таълим стандартларига мувофиқ барча умумтаълим мактабларида ўқувчиларга Конституциямиз билан боғлиқ ҳуқуқий билимлар ўқитилади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон

Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойишига биноан 1-4-синфларда “Конституция алифбоси” курси ўқитилади. Шунингдек, 5-7-синфларда “Конституция оламига саёҳат” курслари ва юқори синфлардан бошлаб “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Конституциявий ҳуқуқ асослари”, “Ҳуқуқшунослик” каби дарс машғулоти ўқитилади. Айтиб ўтиш жоизки, юқоридаги машғулотларни ташкил этишда ўқитувчининг дарснинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда мавзуларни бевосита ҳаётий мисоллар билан боғлаб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан изоҳлаши ўқувчи учун янада тушунарли ва қизи-

қарли аҳамият касб этади.

Ўқувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда кўп йиллардан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Конституция — бахтимиз пойдевори”, “Ҳуқуқ бу тўғрилиқдир” мавзусидаги расмлар танлови, “Менинг ҳуқуқ ва мажбуриятларим” республика кўрик-танловлари ўқувчиларнинг нафақат соҳага бўлган қизиқишини ошириш балки ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаган ҳолда тарбияланишига хизмат қилади.

Хусусан, 2021 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган

“Менинг ҳуқуқ ва мажбуриятларим” республика кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида мактабимизнинг “Адолат” жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Республика босқичидаги иштирок ўқувчилар учун катта тажриба мактаби бўлди ва улар “Энг аҳил жамоа” номинацияси бўйича тақдирландилар. Бу натижа ҳали ютуқларимизнинг дебочаси. Ўқувчилар билан биргаликда янада улкан марраларни забт этиш учун мудом ҳаракатдамиз.

Ботир СОДИҚОВ,
55-умумтаълим
мактаби ҳуқуқ ва
тарбия фанлари
ўқитувчиси.

Муштарий мушоҳада юритади ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ ОМОН БЎЛСИН!

Марказий Осиё ҳудудида яшаган сақлар ва массагетлар бўлажак жангчи, ҳудудни муҳофаза қилувчи шахс сифатида ўғилларининг тарбиясига алоҳида эътибор қаратишган. Жумладан, эркакларда энг кўп қадрланадиган сифат — жасурлик бўлган. Оилада ўғил болаларнинг туғилиши юксак фахр саналган. Ўғил болалар беш ёшдан бошлаб отда юриш, камондан отиш ва тўғрисўзликка ўргатилган.

Амир Темурининг ҳукмронлик йилларида ҳарбий кўшин мамлакат ижтимоий сиёсий ҳаётини бошқаришда етакчи ўрин эгаллаган. Шу сабабли кўшиннинг таркибий тузилмасини шакллантириш, жангчиларнинг жисмоний ва руҳий камолотини таъминлашга жиддий эътибор қаратилган. Бу тарихий фактлар бизга Ватаннинг муқаддас эканлиги, тарихининг залворли урушлари ва мустабид тузум даврида халқимиз бошига тушган қийинчиликлар, юрт тинчлиги ва осойишталигининг қадрига етиш, уни ҳимоя қилиш

ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини тушуниб етишга ўргатади.

Демак, ҳар бир даврда Ватанни ҳимоя қилиш ва асраш юксак мажбуриятлардан бири ҳисобланган. Бугунги ёшларимизда ҳам юртга содиқлик ва халқга муҳаббат ҳиссини шакллантириш, Ватанни ҳимоя қилиш, унинг равнақи учун хизмат қилиш ҳар бир фарзанднинг бурчи эканлигини сингдириш, мард ва жасур, бир сўзли, шерюрак ўғлонлар қилиб тарбиялаш бурчимиздир.

Энг олий мақсадимиз, келажагимиз бўлиши ёшлар қайси соҳада бўлмасин, ақлий ва ахлоқий етуқ, фидокор, миллий ғурурли, этикод ва иродаси мустаҳкам, ватанпарвар, эркин фикрли, онг ва тафаккури мустақил, дунёқараши кенг, маънавий ва жисмоний комил инсонлар бўлмоғи лозим.

Элмира
АБДУРАҲМОНОВА,
33-умумтаълим
мактабининг она
тили ва адабиёт
фани ўқитувчиси.

Тўйхат ўрнида

ТАЛАБЧАН РАҲБАР, МЕҲРИБОН УСТОЗ

Бутун меҳнат фаолиятини туманда чорвачиликни, хусусан, қоракўлчиликни ривожлантиришга сарф этиб келаётган Ботир Каримов 60 ёшни қарши олди.

Ботир Каримов туман марказидаги Амир Темур номли 1-умумтаълим мактабини тамомлагандан кейин, 1979 – 1984 йиллар Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тахсил олди. У меҳнат фаолиятини 1986 йил туман агросаноат уюшмаси шахсий ёрдамчи хўжаликлар бўйича мутахассисликдан бошлади. 1987 – 1990 йиллар агросаноат бирлашмаси катта зоотехниги, 1990 – 1992 йиллар агросаноат уюшмаси чорвачилик, аҳолига ёрдамчи хўжаликларга ем-хашак тайёрлаш бўйича етакчи мутахассиси, 1994 – 1997 йиллар туман агрохизмат уюшмаси хусусийлаштирилган фермер ва деҳқон фермер хўжаликларида илгор технологияларни жорий қилиш бўйича маслаҳатчи, 1998 – 2002 йиллар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси чорвачилик ва озуқа етиштириш бўйича бош мутахассиси вазифаларида фаолият юритди.

Ботир Каримов йиллар ўтган сайин чорвачилик соҳасида билим ва тажрибасини бойитиб

борди. Шу боис унга катта ишонч билдирилиб, турли раҳбарлик лавозимларига тайинланди. Жумладан, 2002 – 2004 йиллар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари лавозимида меҳнат қилиб, туманда қоракўлчилик соҳасини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшди. 2004 йилларда эса тумандаги қоракўлчиликка ихтисослаштирилган “Боғдон” ширкат хўжалиги раислигига сайланди. 2017 йилда “Боғдон” ширкат хўжалиги хусусийлаштирилиб, “Golden territory” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Айни кунда у ушбу масъулияти чекланган жамияти раиси бўлиб фаолият юритяпти.

Ботир Каримов меҳнат фаолияти давомида кўплаб чорвачилик соҳасидаги ёш мутахассисларга устозлик қилди. Уларга чорвачиликнинг сир-синоатларини кунт билан ўргатди. У Ўзбекистон халқ демократик партияси аъзоси сифатида, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида,



жумладан, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, халқ депутатлари Фориш туман Кенгаши депутати сифатида аҳоли муаммоларини ўрганиб, ҳал этиш борасида ҳам фаол иштирок этапти.

Ботир Каримов оилада меҳрибон ота. Турмуш ўртоғи Зебо опа билан 4 нафар ўғилни эл-юрт қорига ярайдиган олий маълумотли мутахассислар қилиб вояга етказишди. Улар бугунги кунда турли соҳаларда самарали меҳнат қилишяпти.

Бугун 6 нафар набираларнинг суюкли бобоси бўлган Ботир Каримовни кутлуг 60 ёши билан муборакбод этиб, унга узок умр, сиҳат-саломатлик, хонадонидида ҳаммиша тинчлик-хотиржамлик бўлишини тилаймиз.

**Рашид
КАРИМОВ.**

Сўраган эдингиз?

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ФУҚАРОЛАРГА ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ПЕНСИЯ ТАЙИНЛНАДИ?

Савол: Мен уйда чорва моллари боқиш билан шугулланаман. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга қандай тартибда пенсия тайинланади. Шу ҳақда маълумот берсангизлар?

Г.АЗИЗОВА.

Жавоб: Тумандаги кўпгина хонадонларда чорва моллари ва паррандалар боқилади ва томорқасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Пенсия жамғармаси туман бўлими ходимлари томонидан аҳоли ўртасида ўзини ўзи банд қилиш бўйича тавсия ва тушунтиришлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 252-сон қарори 46-бандида қорамол боқиш ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш, шунингдек, томорқа хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа турларини етиштириш билан банд бўлган шахсларга меҳнат стажини ҳисоблашда, агар ушбу шахс календарь йилнинг камида 9 ойи мобайнида:

- 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – бадаллар;
- 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ягона ижтимоий тўлов тўлаган бўлса, пенсия тайинлаш учун иш стажига тўлиқ календарь йил қўшиб ҳисобланади.

Саволга бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи Ёрқин НУРҚУЛОВ жавоб берди.

Кўрсатиб ўтилган шахслар, шунингдек, майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда боқиш жисмоний шахслар томонидан:

- 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари;

- 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ягона ижтимоий тўловни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-моддасида белгиланган миқдорда тўланган тақдирда, қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш ҳамда парранда парвариш билан банд бўлиш даврлари қонунга мувофиқ пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Низомнинг ушбу бандида, шунингдек, 44-бандида назорда тутилган иш стажини ҳисоблаш тартиби қонунга мувофиқ пенсиялар тайинлашда қўлланилади.



ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА ТУШИНТИРИШЛАР БЕРИЛМОҚДА

Туман давлат солиқ инспекцияси Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш шўъбаси масъул ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганлиги муносабати билан 2022 йилда юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига киритилган асосий ўзгаришларни манзилга борган ҳолда тушинтириш, тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Тушинтириш-тарғибот тадбирлари жараёнида тадбиркорлар томонидан берилаётган саволларга атрофлича жавоб ва маълумотлар бериляпти.

Шерзод АБДУНАБИЕВ,
туман давлат солиқ инспекцияси “Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш” шўъбаси бошлиғи.

Орамиздаги одамлар

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан шифокорларга ҳам боғлиқ. Аиникса, уларнинг коронавирус инфекциясига қарши курашишнинг ҳозирги қийин даврида қилган ишлари бекиёсдир. Масъулиятли касб эгалари кеча-кундуз кўринмас маккор душман билан курашиб, одамларнинг ҳаётига таҳдид қилишларига қарамай, Ватан олдидаги бурчига содиқ қолиб, фидокорна меҳнат қилишни давом эттирмоқдалар.

Туман тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими мудирини бўлиб ишлаб келаётган Шаҳбоз Ҳамзаев (суратда) соҳанинг ана шундай ёш фидойиларидан.

Шоҳбоз Ҳамзаев 2011 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб, уни 2018 йилда тамомлади. 2018 йилдан 2020 йил январь ойига қадар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий маркази клиник ардинатурасида тахсил олди. 2020 йил январь ойидан республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Жиззах филиалида кардиорениматор бўлиб, ўз меҳнат фаолиятини бошлади. 2020 йил май ойида туман тиббиёт бирлашмасига кардиолог врач бўлиб ишга келди. Ўша йилнинг октябрь ойидан буён эса туман тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими мудирини бўлиб фаолият юритмоқда.

Аслида шифокор қандай бўлиши керак? У ишда ҳам, ҳаётда ҳам олижаноб, одамларга меҳрибон ва эҳтиёткор, масъулиятли, ҳалол, энг муҳими юқори профессионал фазилатга эга бўлиши керак. Чунки у инсон саломатлиги ва ҳаёти учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Пандемия пайтида ўз ҳаёти учун катта хавф туғдирган тиббиёт ходимлари инфекцияга қарши курашмоқдалар. Шифокорларимиз кеча-кундуз навбатчилик



қилиб, халқимиз саломатлиги учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Улар сафида Шаҳбоз Ҳамзаев ҳам бор.

Коронавирус пандемияси бутун мамлакат солиқни сақлаш тизими учун жиддий синов ва улкан тажриба мактабига айланди. Шунингдек, таъкидлашни истардикки, ёш бўлишига қарамай Шаҳбоз Ҳамзаев профессионал, фидойи, ҳар қандай вазиятда ёрдамга келиши билан халқимиз орасида обрў-эътибор топиб бормоқда.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси шифокорларга ўз соҳасининг билимдони бўлиш ҳамда аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини асраб-авайлаш имкониятини бермоқда, десак муболаға бўлмайди.

Рашид КАРИМОВ.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Жиззах давлат политехника институти томонидан 2009 йил 6 июлда Каринтов Дилмуродга берилган В №440268 рақамли дипломнинг баҳолар иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

FORISH
TONGI

MUASSISLAR:

Xalq deputatlari Forish tumani Kengashi
va tumani hokimligi

Manzilimiz: Bog'don shaharchasi,
Sh.Rashidov ko'chasi 3-uy

Bosh muharrir Rashid KARIMOV

“Forish tongi”
materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshiriladi
Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar muallifga
qaytarilmaydi va javob
yozilmaydi.

Gazetaning
ro'yxatdan o'tish
tartibi: 06-011
ISSN 2010-8451

Gazeta sotuvda
kelishilgan narxda

Telefon: (91) 591-47-10

Gazeta 1550 nusxada bosildi

Qog'oz bichimi A3

Gazeta tahririyatning o'zida terildi va
kompyuter operatori **Gulmira ISMOILOVA**
tomonidan sahifalandi.

Chop etish uchun
mas'ul:
B.SAYPULOV
Musahhih:
S.O'TABEKOVA

Gazeta “Rastr plyus Print” mas'uliyati
cheklangan jamiyatida bosildi
Korxona manzili: Jizzax shahri
Sayiljoyi ko'chasi 4-uy.
Bosishga topshirish vaqti 18:00
Topshirildi 18:00 Buyurtma _____